Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ

2006 ЙИЛ, 22 МАРТ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 55 (10.612)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЯНВАРИДА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВНИНГ ИНАУГУРАЦИЯ МАРОСИМИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАДБИРЛАРДА ҚАТНАШИШ УЧУН ОСТОНА ШАҲРИГА ТАШРИФ БУЮРГАН ЭДИ. ЎШАНДА Н.НАЗАРБОЕВ УШБУ ЛАВОЗИМГА ҚАЙТА САЙЛАНГАНИДАН СЎНГ ИЛК ХОРИЖИЙ САФАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДАН БОШЛАШНИ НИЯТ ҚИЛГАНИНИ БИЛДИРГАНДИ. БУ УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА, ХАЛҚИМИЗГА ВА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИГА ЮКСАК ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМИДАН ДАЛОЛАТДИР. МАЗКУР НИЯТНИ ҚОЗОҒИСТОНДА МАМЛАКАТИМИЗ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ИШТИЁҚ ВА ҚИЗИҚИШ БОРЛИГИНИНГ, ЭНГ МУҲИМИ, ИККИ ҚАРДОШ ЮРТДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ИНТИЛИШЛАР МУШТАРАК ЭКАНЛИГИНИНГ ЯНА БИР АМАЛИЙ ТАСДИҒИ, ДЕЙИШ МУМКИН.

Ўша хайрли ният бугун, Наврўз кунларида амалга ошаётганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зеро, ўзбек ҳам, қозоқ ҳам Наврўзда эзгу тилаклар қилади, йил давомида қилинадиган ишлар режасини белгилаб олади.

Давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Президентини 20 март куни Дўрмон қароргоҳида расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев шоҳсупага кўтарилдилар. Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг яккама-якка учрашуви бошланди. Ислом Каримов ушбу мулоқот умумий қадриятимиз бўлмиш Наврўз байрами арафасида ўтаётганида чуқур рамзий маъно борлигини таъкидлади.

Қозоғистон биз учун шунчаки қўшни мамлакат эмас. Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари асрлар давомида дўст-қардош бўлиб, савдо-сотиқ қилиб, қуда-анда бўлиб келган. Бу халқлар бир-бири билан бахтини баҳам кўриб, оғир дамларда ҳамдард, елкадош бўлган. Умумий тарих, муштарак маданият ва урф- одатлар, тил ва диннинг бирлиги бугунги кунда ҳам муносабатларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ўзбекистон билан Қозоғистон алоқаларида яхши қўшничилик, яқин дўстлик ва қардошлик, қолаверса, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамиятга эга.

Нурсултон Назарбоев байрам кунларида ўтадиган музокара албатта самарали бўлишига қатъий ишонч билдирди. Ўзбекистонга таклиф этгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор қилар экан, Қозоғистон ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши ҳамкорлик ва интеграцияни ривожлантиришга интилишдан иборат эканлиги, айниқса, бунда минтақавий миқёсдаги, жумладан, Ўзбекистон билан алоқалар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини қайд этдилар. Бундан уч йил бурун имзоланган Давлат чегараларининг делимитацияси тўғрисидаги шартнома ҳам замон талабларига мос ҳужжат бўлгани, Ўзбекистон билан Қозоғистон МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб чегара масалаларини ҳал этгани ўзаро ишонч мустаҳкамлигидан далолат эканини таъкидладилар.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар, шунингдек, минтақавий хавфсизликка оид ҳамда ўзларини қизиқтирган долзарб халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам бирдек манфаатдор экани қайд этилди. Томонларнинг кўплаб халқаро муаммоларга қарашлари бир хил ё яқинлиги таъкидланди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев ўзаро мулоқотни Ўзбекистон ва Қозоғистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда асосий диққат-эътибор ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, жумладан, ишбилармонлар ҳамда маъмурий-ҳудудий субъектларнинг бевосита алоқаларини кенгайтириш ва рағбатлантириш, божхона ва чегарадан ўтиш тартибларини енгиллаштириш, транспорт коммуникациялари ва сув- энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва етказиб беришга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик, яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини тўқсондан зиёд ҳужжат ташкил этади. Уларнинг элликдан ортиғи иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бу ҳужжатлар орасида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш, икки томонлама соликдан қочишга оид битимлар бор.

Йиллик ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2004 йилда 425,9 миллион, 2005 йилда эса 516,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ миқдори илк бор ярим миллиарддан ошди ва йилига ўртача 20 фоиздан кўпаймоқда. Жорий йилнинг январига доир кўрсаткич 40,4 миллион долларни ташкил этгани ҳам бу борада ўсиш давом этаётганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда)







ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Борлиқдаги жамики уйғониш, янгиланиш ва яшариш она диёримизга қут-барака элчиси Наврўзи олам кириб келганидан дарак бермоқда. Истиқлолимизнинг ўн беш йиллиги нишонланадиган йилда ҳаммамиз учун қадрли бўлган Наврўзимизнинг қадамлари қутлуғ келиши, шубҳасиз.

Тинч ва осойишта элимизга тўй-томошалар, байраму сайиллар ярашади. Мамлакатимизда Наврўз қадриятлари билан жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинишида ҳам ўзгача узвийлик мужассам. Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро қадр-қиммат, хайру-саховат, меҳр-оқибат тимсолидир. Қадимдан ушбу айём кунлари ота-боболаримиз етимларга, бева-бечораларга, муҳтожларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатишган, гина-кудуратлар унутилган. Бу ўлмас анъаналар ҳаётимизнинг барча жабҳаларида инсонлар қалбида ва онгида намоён бўлаётган саховатпешалик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар ва ҳамюртларимизнинг эртанги кунга умид ва ишончи янада кучайиб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Эзгулик, саховатга йўғрилган уйғониш, яшариш айёми бу йил яна дилларимизни қувонч, фахр-ифтихор туйғулари билан чулғади. Наврўзни мадҳ этувчи турли шиорлар, плакатлар билан безатилган байрам либосидаги кўчалар, майдон ва хиёбонлар ҳамшаҳарларимиз билан гавжум бўлди. Куни кеча шодиёна нишонланган Наврўз умумхалқ байрам тантаналарида Юртбошимизнинг халқимизга байрам табриги айниқса, ҳамюртларимизнинг қалбига янада кўтаринки руҳ бахш этди, сайилларга чорлади. Наврўз тантаналари пойтахтимизнинг барча туманларида карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида халқ сайилларига уланиб, каттаю кичикка бир олам завқ бағишлади.

(Давоми 3-бетда)





ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **УЧТЕПА** туманидаги Акмал Икромов номли маданият ва истироҳат боғида туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида Наврўз байрамига бағишланган тантанали кеча ўтказилди.

● **МИРОБОД** туманидаги 94- мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳоллари содир этилишининг олдини олиш масалаларига бағишланди.

● «**ҚЎЙЛИҚ** буюм бозори» масъулияти чекланган жамиятида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилган байрам тадбири «Наврўзи олам муборак!» деб номланди.

● **105-МАКТАБ**-интернатда «Камолот» ЁИҲ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Миллий урф-одатлар ва қадриятлар» мавзуида ўтказилган тадбирда тарбияланувчилар, ўқитувчилар ҳамда мураббийлар иштирок этишди.

● **ҲАМЗА** темир йўл касб-ҳунар коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Соғлом юрт фарзандлари қудратли бўлур» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **НАВРЎЗ** айёми кунларида Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежига хориждан замонавий ўқув ускуналари, лаборатория жиҳозлари келтирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Урганч шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ташаббуси билан вилоятда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш юзасидан семинар йиғилиш ўтказилди.

● Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Ўзбекистондан Қозоғистонга мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб беришни ташкил этиш масалаларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг манфаатдор вазирлик ва идоралари, ҳокимликлари, ишбилармон доиралари вакиллари, экспертлар иштирок этди.

● Тошкентда «Сифат бўйича менежер» клуби томонидан «ISO- 9001» халқаро стандартига мувофиқ раҳбарлик қилишнинг роли ва масъулияти» мавзуидаги навбатдаги семинар ўтказилди. Унда асосий эътибор маҳсулот сифатини таъминлаш, ташқи ва ички бозорда унинг рақобатбардошлигини ошириш вазифаларига қаратилди.

●Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида биринчи марта видеоконференция ташкил этилди. Тошкент ва Навоий вилоятлари шифокорлари ўртасида кечган мазкур телеалоқада соҳага оид айрим долзарб муаммолар муҳокама этилди.

●Гулистон Давлат университетида «Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш — ҳозирги куннинг долзарб масаласи» мавзуида илмий-услубий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган ушбу анжуманда талаба-ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш усуллари, ёшларда бунёдкорлик фазилатларини янада ривожлантириш, педагогика соҳасида олиб борилаётган изланиш ва янгиланишлар хусусидаги масалалар муҳокама этилди.

● Қашқадарё вилояти ташқи иқтисодий фаолият миллий банки аҳоли гавжум ҳудудларга, жумладан, савдо расталари, меҳмонхона, умумий овқатланиш ва ёқилғи қуйиш шохобчаларига пластик карточка терминалларини ўрнатмоқда. Ҳозир ана шундай терминаллар сони 33 тани ташкил қилади ва ундан 23 мингдан ортиқ мижоз мунтазам фойдаланиб келмоқда.

●Бухорода «Аёл ва спорт» мавзуида қизиқарли ва фойдали анжуман ўтказилди.

● Пойтахтимиздаги «Radisson SAS Hotel Tashkent» меҳмонхонасида «Халқаро молиявий-иқтисодий ривожланиш маркази — Ўзбекистон» («MTSFER-U» масъулияти чекланган жамияти)нинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

●«Экосан» халқаро хайрия ташкилоти «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Энг мурувватли қўшни» республика кўрик-танловини эълон қилди.

ЖАҲОНДА

● Покистоннинг Дара Исмоил Хон шаҳрида қўпорувчилик содир этилди. Портлаш оқибатида уч нафар полициячи ва тўрт нафар ҳарбий ҳалок бўлган, беш киши тан жароҳати олган.

●Катта саккизлик давлатларининг энергетика вазирлари Москвада бўлиб ўтган учрашувда дунё иқтисодиётида ядро энергетикаси асосий ўрин эгаллашини эътироф этдилар. XXI асрнинг биринчи ярмида дунё давлатлари анъанавий энергетика манбалари билан биргаликда ядро ёқилғисидан ҳам фойдаланишни кенгайтириб бориши зарур, деб таъкидлади Россия саноат ва энергетика вазири Виктор Христенко.

● Украина газ таъминотида яна бир муаммо юзага келиши кутилмоқда. Айни дамда Украинага газ етказиб бераётган Туркманистон расмий Киевдан кун сайин ошиб бораётган қарзларини талаб этмоқда. Украинанинг Туркманистондан газ учун қарзи 160 миллион долларни ташкил қилмоқда.

● Колумбияда йирик миқдордаги гиёванд модда — кокаин қўлга олинди. Картахена портига келиб тўхтаган Италия байроғи остидаги кема полиция томонидан текширилганда, унинг бортида 2,7 тонна кокаин борлиги аниқланди.

● Россиянинг «Известия» нашри тарқатган хабарларга кўра жорий йилнинг ёз фаслида Германияда футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилаётган бир пайтда футболчи-роботлардан тузилган жамоалар ўртасида Robo Cup-2006 халқаро турнирлари уюштириш режаланган.

●Яқинда Женева автосалонида расман тақдим этилган Opel GT родстери 2007 йилнинг баҳорида Европа бозорида пайдо бўлади. Чунки ушбу автомобиль «General Motors» концернининг Америкадаги заводида ишлаб чиқарилади.

● Коинотни тадқиқ этаётган олимларнинг маълум қилишича, бизнинг галактикамизда Ерга ўхшаган сайёра мавжуд. У Қуёш тизимидан Сомон йўлининг марказий қисми томон йўналишда жойлашган. Аниқланган сайёра ўз Қуёши атрофида Сатурн ёки Юпитер сингари айланади. У ўлчами жиҳатидан Ердан 13 марта катта.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 23 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6- 8, кундузи 19-21 даража иссиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонда Қозоғистон сармояси иштирокида тузилган 73 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг олтитаси тўла қозоғистонлик сармоядорлар ҳисобига очилган. Ушбу корхоналар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, металлни қайта ишлаш каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компанияси ваколатхонаси бор.

Айни пайтда Қозоғистонда Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида тузилган 86 корхона ишлаб турибди. Улар савдо-сотиқ, озиқ-овқат, дори- дармон, қурилиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, минерал ўғитлар, пахта ва пахтадан олинадиган маҳсулотлар, ёғочни қайта ишлаш, мебелсозлик, ойнасозлик, кўнчилик сингари соҳаларда фаолият кўрсатади.

Аммо Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг иқтисодий имкониятлари билан чамалаганда бу кўрсаткичлар қониқарли эмас. Масалан, Нурсултон Назарбоевнинг ташрифи арафасида Ўзбекистондан Қозоғистонга мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб беришни ташкил этиш масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган мажлисда таъкидланганидек, Ўзбекистонда йилига 5 миллион тонна ана шундай маҳсулот етиштирилади. Мамлакатимиз эҳтиёжини қондириш учун бунинг ярми кифоя. Демак, 2,5 миллион тонна маҳсулотни ташқи бозорга чиқариш мумкин. Статистика маълумотларига кўра, 2005 йилда мамлакатимиздан экспорт қилинган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг бор- йўғи 4 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади. Бу миқдорни бир неча карра ошириш мумкин ва зарур. Чунки Қозоғистонда мазкур маҳсулотларга талаб катта.

Мамлакатларимиз қишлоқ хўжалигидан ташқари, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефть- газ ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш мумкин. Масалан, Қозоғистон жанубий вилоятлари учун йилига Ўзбекистондан 1,5 миллиард куб метр газ олади. Сув-энергетика соҳаси ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан биридир. Ғалла, қурилиш материаллари, металл буюмлар савдоси ҳам икки томон учун фойдали. Музокарада Ўзбекистонда ҳам, Қозоғистонда ҳам барқарор эҳтиёж бўладиган товарлар рўйхатини тузиб чиқиш ва бевосита савдо- сотиқни кенгайтиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, банклараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Ислом Каримов Ўзбекистонда Қозоғистон Тараққиёт банкининг филиалини очиш таклифини илгари сурди.

Музокарада ижтимоий соҳадаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фан, маданият ва санъат намояндалари, спортчиларнинг борди- келдисини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, оммавий ахборот воситалари тузилмаларининг алоқаларини фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди. Президентлар зиёлиларимиз мунтазам учрашувлар ўтказиб туриши, журналистлар эса ўзаро ҳамкорликнинг ёрқин қирраларини ёритиб бориши зарурлигини таъкидладилар.

Музокара якунида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари Қўшма баёнотга имзо чекдилар. Унда, жумладан, икки мамлакат Президентлари раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгашни тузиш борасидаги келишув ўз ифодасини топган.

Мамлакатларимиз ўртасида интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш ҳамда фан ва технологиялар соҳаларида ҳамкорлик, халқаро автомобиль қатнови, чегараолди ҳудудларда фуқаролик мақсадида Ўзбекистон ва Қозоғистон радиохизматлари томонидан фойдаланиладиган 30.0-1000.0 МГц радиочастота полосасидаги радиочастота ўзлаштирувини мувофиқлаштириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, эркин савдо тўғрисида 1997 йил 2 июнда имзоланган битимга эркин савдо тартибидан истисnolар тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Қозоғистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасида чигирткалар ва бошқа қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашиш бўйича ҳимоявий чора-тадбирлар кўришда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар самарали кечганидан мамнуният билдириб, мулоқотлар ишчан кайфиятда, ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар.

Президент Ислом Каримов ташриф натижаларига юксак баҳо берар экан, бугун эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизни ривожлантиришнинг янги имкониятларини очишини, мамлакатларимиз манфаатларига ва ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга хизмат қилишини таъкидлади. Музокараларда ўзаро муносабатларга доир кенг қамровдаги масалалар кўриб чиқилгани, БМТ, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти, ШХТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, хавфсизликни биргаликда таъминлаш, яқин даврда Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш борасида кўп томонлама ҳужжатни имзолаш борасида фикрлар бир жойдан чиққанини қайд этди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар ҳақида турли уйдирмалар пайдо бўлаётганига тўхталиб, ҳар бир мамлакат ўз мустақил сиёсатига эга бўлиши, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши ва унинг баъзи қарашлари бошқа бир давлатникидан фарқланиши мумкинлигини табиий ҳол, деб атади. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларга доир айрим гаплар уйдирмадан ўзга нарса эмаслигини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистондан ишбилармонларнинг катта делегацияси ташриф буюргани ва Тошкентда икки мамлакат иш одамларининг бизнес-форуми ташкил этилаётганини қайд этди. Қандай имкониятлар ишга солинмаётгани, қандай қилиб улардан тўла фойдаланишни йўлга қўйиш мумкинлигини муҳокама этиш учун бу жуда қулай фурсат ва яхши имконият-дир, деди Ислом Каримов.

Нурсултон Назарбоев ташриф натижалари Ўзбекистон- Қозоғистон муносабатларини ривожлантиришда, шунингдек, умуман Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Илк сафаримни серқуёш Тошкентга давлат ташрифи билан бошлаганим тасодиф эмас. Чунки биз нафақат қўшнилар, балки қон- қардошлармиз. Қозоғистон Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлганини тўла қўллаб-қувватлайди. Мамлакатларимиз Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ алоқаларни ривожлантириб келмоқда. Ўйлайманки, бир маҳаллар ядровий тадқиқотлар ўтказилган жойда шу йилнинг ўзида Марказий Осиёни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича якуний ҳужжат имзолаймиз. Ташқи сиёсат маҳкамалари бу ишга алоҳида эътибор қаратадилар, — деди Нурсултон Назарбоев.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев «Интерконтиненталь» меҳмонхонасига ташриф буюриб, икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумида иштирок этдилар. Президентлар қатнашчиларга муваффақият тилаб, ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга даъват қилдилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари Тасвирий санъат галереясини бориб кўрдилар. Бу ерда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки коллекциясининг доимий кўргазмаси билан бирга, «Баҳор. Аёл. Гул» гуллар кўргазмаси ташкил этилган, шунингдек, Ўрол Тансиқбоев асарлари, И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи коллекциясидан расмлар намойиш этилмоқда. Нурсултон Назарбоев галерея юксак савияда ташкил этилганини, Ўзбекистонда тасвирий санъат ривожига алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади.

Қозоғистон раҳбари мамлакатимизнинг бош майдонидаги «Мустақиллик ва эзгулик монументи» пойига гул қўйди. Нурсултон Назарбоев ҳурриятимиз ва эзгу ниятларимизни ифода этувчи ушбу монументни зиёрат қилган илк олий мартабали меҳмон бўлди.

Қозоғистон Президенти Сенат биносини ҳам кўздан кечирди, Ўзбекистон парламентининг юқори палатаси фаолияти билан танишди.

— Ўзбекистонга ҳар сафар келганимда юртингиз йилдан-йил иқтисодий юксалиб бораётганига гувоҳ бўламан, — деди олий мартабали меҳмон. — Пойтахтингиз ҳар сафар мени янги бунёдкорлик мўъжизалари билан кутиб олади. Тасвирий санъат галереяси, «Мустақиллик ва эзгулик монументи» ҳамда Сенат биноси бу сўзларимнинг яққол тасдиғидир. Сенат биноси ўзига хос меъморий ечимга эга маҳобатли ва мухташам иншоот эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбири

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ДОИРАСИДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИДА ИККИ МАМЛАКАТ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ НУРСУЛТОН НАЗАРБОЕВ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон ва Қозоғистон савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қардошлик ва қўшничилик анъаналари асосида ижчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Ҳамкорлик кўлами кенг, икки мамлакат иқтисодиёти бир- бири билан уйғунликда ривожланади, бир-бирини тўлдиради.

— Аммо, ишга солинмаётган имкониятлар анчагина, — дея таъкидлади Ислом Каримов. — Биргина мисол, Ўзбекистондан Қозоғистонга катта миқдорда мева- сабзавот, полиз маҳсулотлари, қурилиш материаллари экспорт қилиш мумкин. У ёқда талаб катта. Лекин экспортнинг ҳозирги ҳажми қониқарли даражада эмас.

Н.Назарбоевнинг таъкидлашича, бугунги кунда Қозоғистонда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 86 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Машинасозлик, цемент ишлаб чиқариш, тўқимачилик, нефть-газ каби қатор соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш мумкин. Ўзбекистоннинг саноат, илмий потенциали юқори эканини, шу боис Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш минтақадаги бошқа мамлакатлар қатори Қозоғистон учун ҳам фойдали эканини таъкидлади.

Президентлар ушбу форум иккала мамлакат ишбилармонлари учун, демакки, халқимиз учун фойдали бўлишини қайд этдилар.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида енгил саноат, машинасозлик, транспорт коммуникацияси, нефть-газ каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини фаоллаштириш, жумладан, қўшма бизнес-семинарлар, конференциялар ўтказиш лозимлиги таъкидланди.

Бизнес-форум томонлар савдо-иқтисодий муносабатларга доир кўплаб соҳаларда алоқаларни янги босқичга кўтаришдан бирдай манфаатдор эканини яна бир бор исботлади.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ ҚУРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ САМАРАСИ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚДИР. ЭРТАНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШ УЧУН ЭСА МУСТАҲКАМ ИРОДАЛИ, МАҚСАДИ ЙЎЛИДА ЭТИҚОДИДАН ТОЙМАЙДИГАН, ВАТАННИНГ ҚАДРИГА ЕТА БИЛАДИГАН, ЎЗ ТИЛИ, ЎТМИШИ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНА ОЛАДИГАН, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, ҲАР ТОМОНЛАМА БАРКАМОЛ ШАХС БЎЛИБ ЕТИШМОҚ ЗАРУР.





Ёшлар — келажагимиз

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

Бу вазифаларни ечиш замини Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзда тутилган.

Президентимиз ташаббуслари билан Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ коллежини ташкил этиш тўғрисида»ги 298-сонли қарорига асосан 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидаги илк ўқув юрти— Тошкент солиқ коллежи ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси – солиқ тизимининг малакали ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжини қондириш деб белгиланган.



— Ватанимиз келажагини белгиловчи асосий куч — бу ёш, баркамол авлоддир, — дейди коллеж директори Мухтор Мухторов. — Уларни тарбиялаш ва етарлича билим бериш масаласи муҳим мезонлардан биридир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан мамлакатимизда соғлом ва ҳар томонлама билимли ёш авлодни камол топтириш йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Юртимизда ўз мустақил фикрига, қарашларига эга бўлган ёш авлодни замонавий техника билан таъминлаш, уларнинг тащаббус ва бунёдкорлик ишларини қўллаб-қувватлаш жоиздир. Бугунги кунда солиқ тизимини мукаммал тизимга айлантириш учун ҳам республикамизда илмли, ҳар томонлама салоҳиятли бўлган ёш кадрларга эҳтиёж ортмоқда. Ўқув масканимизда 9-синфни битирган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси билим олиш ҳуқуқига эга. Шу кунгача коллежимизни 974 нафар битирувчилардан 120 нафари имтиёзли диплом билан битирганлар. Коллеж ўқувчиларидан 293 нафари солиқ соҳаси бўйича олий маълумотли мутахассис бўлиш мақсадида турли олий ўқув юртларида ўқимоқда. Улардан 234 нафари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тасарруфидаги Солиқ академиясида таҳсил олмоқда.

Битирувчиларнинг асосий қисми эса, Республикамизнинг солиқ тизимига қарашли ташкилотларда ўз мутахассисликлари бўйича фаолият кўрсатишмоқда. Бизнинг ниятимиз ҳам, тилагимиз ҳам битта, у ҳам бўлса мамлакатимизга ватан ишқи билан ёнган, доно, зукко, билимдон малакали кадрларни етиштириб беришдан иборатдир.

Дарҳақиқат, ушбу коллежда ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам барча шароитлар яратилган. Бугунги кунда коллежда «Солиққа тортиш», «Бухгалтерия ҳисоби», «ЭҲМ ва компьютер тармоқларида солиқ идораларида ишлатиш» бўйича мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Коллежда «Табиий ва аниқ фанлар», «Тиллар», «Ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқий фанлар», «Молия ва иқтисод фанлари», «Махсус фанлар», «Ахборотлаштириш ва ТВ», «Ёшларни чақиришқача тайёрлаш ва жисмоний тарбия» кафедралари мавжуд. Уларда фаолият кўрсатаётган 50 нафар ўқитувчиларнинг 5 нафари фан номзодлари, 7 нафари бош ўқитувчи, 6 нафари етакчи ўқитувчи, 7 нафари катта ва 30 нафари эса малакали ва тажрибали ўқитувчилардир. Махсус фанлардан машғулотлар Давлат солиқ хизмати органларида кўп йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўтилади. Шунингдек, ўқитувчилар томонидан ўнлаб ўқув қўлланмалари тайёрланган бўлиб, дарс жараёнида фойдаланилмоқда. Коллеж жамоаси Солиқ академияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент Молия институти, Банк - Молия академияси ва бошқа олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бугунги кунда ўқувчиларга малакали билим беришда Ш. Бориев, Н.Тожиддинова, Н.Арипова, Т. Адилов, С.Ҳамидхўжаева, К.Ибрагимова каби ўқитувчиларнинг меҳнатлари беқиёсдир. Коллежда айни кунда 630 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларга 70 ўринга мўлжалланган қироатхона ва 22800 дан ортиқ китоблар фондига эга бўлган кутубхона хизмат кўрсатмоқда. Дарсларнинг замон талаблари даражасида ўтказилиши учун коллежимизда 4 та лингафон хонаси, фуқаро муҳофазаси, ҳарбий тайёргарлик ва спорт заллари, тренажер хонаси, ёзги спорт майдони ҳамда 4 та компьютер хоналари мавжуд, шунингдек, электрон кутубхона ва битта интернет синфи бор. Шу билан биргаликда коллежда мавжуд компьютер тизими билан Давлат солиқ қўмитаси телекоммуникацион тизими ўртасида йўлдош алоқа ўрнатилган. Талабаларнинг маънавий-баркамол бўлиб етишишлари учун коллежда жуда кўплаб тадбирлар мунтазам ўтказилади. Бу йўналишда коллеж «Кураторлар кенгаши», «Камолот» ЁИҲ, «Вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси», «Ёш посбонлар» каби жамоа тузилмалари, 13 та фан ва 5 та спорт тўгаракларининг мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Тўгаракларга коллеж ўқувчиларининг асосий қисми жалб қилинган бўлиб, улар фанлардан чуқур билим олиш билан бирга турли спорт мусобақаларида ва кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб, коллеж шаънини шарафлаб келмоқдалар.

Мисол тариқасида коллеж ўқувчиларининг «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фонди ва «Камолот» ЁИҲнинг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўтказилган «Интеллектуал олимпиада», «Сиз қонунни биласизми?» танловларида II ўринни, «Сиз тарихни биласизми?» танловмда IV ўринни, «Своя игра» танловида II ўринни, умумсинов ҳисобида Тошкент шаҳридаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари орасида эса III ўринни эгаллаб, махсус диплом билан тақдирланганлигини қайд этиш мумкин.

Бу ишларни амалга оширишда коллежнинг изланувчан ва фидойи жамоасининг хизматлари катта. Тошкент солиқ коллежи ҳудудини айланар эканмиз, унинг озода ва кўркам ўқув хоналари, 300 ўринга мўлжалланган саранжом ва сариштa ўқувчилар турар жойи, дов-дарахтларга, анвойи гулларга бурканган боғлари дилимизни яйратди. Ўқитувчи ва ўқувчилар Наврўзи оламни муносиб кутиб олишди. Бу қутлуғ даргоҳ фаолияти билан танишиб, жамоа аҳли, талабалар билан суҳбатлашар эканман келажагингиз порлоқ, истиқболингиз ёрқин бўлсин, азиз ёшлар, дегим келди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Россия ҳукумати шу йилнинг апрель ойидан бошлаб мамлакатда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга «Евро -2» экологик меъёрини жорий этди. Бу ҳозир фойдаланилаётган автомобилларга амал қилмайди. Янги автомобилларни олдинги «Евро-0»дан «Евро-2»га ўтказиш 500-700 долларга тушади. Шунинг ҳисобига автомобиллар нархи ҳам қимматлашади. 2008 йилга бориб эса ишлаб чиқарилаётган машиналарда тўлиқ атмосферани булғамайдиган «Евро-3» тизимига ўтилади. Аммо ҳозирча чиқинди газ билан ҳавони ифлослантираётган машиналар билан нима қилиш керак, деган савол жавобсиз турибди.

● Сурия халқаро туризмда етакчи ўринлардан бирини эгаллаш учун ҳаракат қилмоқда. Бу бежиз эмас. Ғарбнинг Сурияга қарши савдо-сотиқдаги чекловларига қарамай, мамлакат Европа давлатлари, жумладан, Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтирмоқда. Айни пайтда туризм мамлакат ғазнасига ҳар йили 2,2 миллиард доллар даромад келтирмоқда. Бу соҳадан олинаётган фойда ички ялпи маҳсулотнинг 90 фоизини ташкил этяпти. Ўтган йил биргина Россиядан борган сайёҳлар 3 миллион кишини ташкил қилган.

● Қозоғистонда теракдан дори тайёрлаш ихтиро қилинди. Бу дори жароҳатларни тез тузатиш, шамоллашни даволаш, оғриқни қолдириш ва микробларни йўқотиш хусусиятига эга. Дори асосан терак мойидан тайёрланади. «Теракдори»нинг бошқа дори-дармонлардан фарқи шуки, у аллергия ҳосил қилмайди, асорат қолдирмайди. Янги дори билан ҳатто сил касалини даволаш бошланди.

● Таиланд шимолида яшовчи лау-на қабиласи вакили агар бўйнига кўнғироқ осиб юрган бўлса, билингки, Худодан раҳм-шафқат сўраяпти, деб ёзади чех журнали «Власта». Бу ерда қадимдан моҳир заргарлар яшайди. Ҳар бир тақинчоқ ўз мазмунига эга. Мисол учун, балиқ шаклидаги тумор ишда омад келтиради. Гул шаклидагиси эса оила муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам берармиш. Айниқса, кумуш қўнғироқчалар осиб юриш кенг тарқалган. Афтидан, лау-налар «Худога ишон, лекин ўзинг ҳам ҳаракат қил» деган нақлни унутиб қўйишган шекилли, деб таъкидлайди журнал.

● Душанба куни ов қилинмайди. Грецияда шундай тартиб жорий этилган. Мамлакат аҳли учун душанба куни ов қилиш тақиқланади. Мабодо бирон-бир ишқибоз азбароий қизиқишини босолмай, овга жўнайдиган бўлса, ҳеч шубҳасиз катта миқдордаги жаримага тортилади.

● 1991 йилнинг энг баланд кишиси Уолтер Анненберг бўлиб, у Нью-Йоркдаги «Метрополитен» музейига 1 миллиард долларли санъатга оид коллекциясини топширган қўли оқиқ ватанпарвар ҳисобланади. У шу жиҳати туфайли Гиннеснинг «Рекордлар китоби»га киритилган. 1997 йил медиа-магнат Тед Тернер жаноблари БМТнинг қочоқларга ёрдам дастурига ўз шахсий ҳиссаси сифатида 1 миллиард доллар ўтказган ягона инсонпарвар киши ҳисобланади.

● Дунёнинг энг йирик марказларидан бири «Вест Элмонтон Мо» Канадада жойлашган. Мажмуа 1981 йил очилган бўлишига қарамай, бинонинг қурилиш ишлари яна тўрт йил давом этган. Уни қуриш учун эса 1,1 миллиард доллар сарфланган. Марказ майдони 483000 квадрат метр. Жами бўлиб эса 49 гектарлик ҳудудни эгаллаган. Марказ ҳудудида 800 та дўкон ва 11 та йирик универмаг мавжуд. Автомобиллар тўхташ жойи эса 20000 та машинага мўлжаллаб қурилган. 1995 йили ушбу марказга 20 миллиондан ортиқ харидор ташриф буюрган.

● Яқинда таниқли америкалик магнат Стив Вайн Лас-Вегас шаҳрида ўзининг дунёда тенги йўқ меҳмонхонасини очган. Отель қурилишига ҳаммаси бўлиб 3 миллиард доллар сарфланган. Бино минорасининг `узунлиги 156 метр бўлиб, у асосан ойна ва металлдан қурилган. Отелнинг жами 2700 та хонаси бор. Унинг тўртинчи қаватида эса сунъий тоғ ва ўрмонзор барпо этилган. Иншоотнинг биринчи қавати турли кийим-кечак дўконлари, автосалонларга берилган. Шунингдек, отель хоналарида буюк рассомлар яратган тасвирий санъат асарларининг асл нусхалари ҳам осиб қўйилган.

● 1996 йил Германия кема қурувчилари қурган махсус жиҳозланган «Уорлд оф дэнСи» кемасининг узунлиги 304 метр. Унда еттита ресторан, бар, кино заллари, ибодатхона, тунги клуб, кутубхона, ишбилармонлар маркази, супермаркет, махсус сузиш учун ҳовуз, теннис корти, вертолёт майдончаси бўлиб, саёҳатчилар учун 500 хизмат тури бўйича ходимлар хизмат қилишади. Махсус немис кема қурувчилари қурган замонавий кеманинг сарф-харажати «атиги» 529,7 миллион долларни ташкил қилган.

● Сен билан баҳсга киришган одамнинг кимлигини билиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Афсуски, буни Токионинг кўнгилочар даҳасида жойлашган ресторанга ташриф буюрган, келиб чиқиши япониялик ва колумбиялик икки хўранда билмайдиган кўринади. Акс ҳолда енгил вазнда Япониянинг ўн қарра чемпиони 24 ёшли Александр Бахтин билан гап талашиб юришмас эди. Оқибати эса, ўзингиз тахмин қилгандек, ҳар иккисининг кўз очиб-юмгунча вақт ичида ер тишлаши билан якун топди. «Арзимаган нарса учун куч ишлатишимга тўғри келганига ачинаман», дейди полиция маҳкамасида чемпион. Япония профессионал бокс ассоциацияси Бахтиннинг қамоққа олинганлигини тасдиқлади. Лекин чемпион жарима ва икки «рақиби»нинг оёққа туриб олишига кетган сарф-харажатни тўлаш билан қутулиб қолишига умид билдирмоқда.

● Хориж журналистларидан бири Браунннинг укаси Жефри 1993 йил Буюк Британияда ўтказилган кимошди савдосида сотган ўнта брилиантли соат бор. У соатни 5,2 миллион долларга сотиб олганди. Бу дунёдаги энг қиммат қўл соати ҳисобланади.

ЎЛКАМИЗДА НАВРЎЗ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

Саодатли элга байрамлар ярашади. Шу маънода бектемирликлар янгиланиш ва яшариш айёми — Наврўзни ўзгача кўтаринки руҳ билан кутиб олди. Тумандаги Красницкий номидаги стадионда эрта тонгданоқ карнай-сурнай наволари остидаги чорловлар барчабарчани наврўз сайлига таклиф этди.

Ўйингоҳ байрамона тусга кирди. Жажжи болажонларнинг қувноқ куй-қўшиқлари, она-Ватаннинг бугунги ютуқлари, истиқлоли ва истиқболини мадҳ этувчи дастурлари йиғилганлар томонидан илиқ қаршиланди. Бектемир туман ҳокими Акмал Ҳошимжонов сайил иштирокчиларини самимий табриклаб, шодиёнанинг кўнгилли ўтишини тилади.

Дарҳақиқат, Наврўз кўнгилларни қайтадан кашф этувчи, орзуларни само каби улғайтирувчи шодиёнадир. Айниқса, ҳаяжон ва қувонч эпкинларининг қўшиқ сеҳрида жозибали тарзда уйғунлашиб кетиши чинакам мўъжиза дейиш мумкин. Шу маънода халқ сайлига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мавлуда Асалхўжаева, Илҳом Фармонов, «Ниҳол» мукофоти совриндори Исроил Саидумаровларнинг баҳор, она Ватан, севги, муҳаббат ҳамда кўплаб мавзуларни тараннум этувчи наволари билан кириб келиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Севимли эстрада хонандаларининг дилрабо куй-қўшиқлари Наврўзни улуғловчи саҳна кўринишлари билан муштараклик касб этди.

Байрам шодиёналарида «Миришкор», «Роҳат», «Бектемир» сингари маҳаллаларда яшаб, ижод қилаётган халқ ҳунармандларининг зардўзлик, гиламдўзлик, дўппидўзлик, каштадўзлик намуналари намойиш этилди. Халқимизнинг азалий қадриятларини ўзида мужассам этган спорт мусобақалари каттаю кичикни қувонтирди.

Бир сўз билан айтганда, ўйингоҳга таклиф этилган 3 мингдан ортиқ бектемирликлар қадимий ва ҳамиша навқирон Наврўз шодиёналарига бағишланган сайилдан бир олам таассурот олдилар. Эндиликда байрам тантаналари тумандаги маҳалла, корхона ва ташкилотларда давом этади.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ

Мирзо Улуғбек туманида ҳам катта байрам тантаналари уюштирилди. Эрта тонгдан янграган карнай-сурнай наволари туман аҳолисини халқ сайлига чорлади. Халқ сайиллари Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳамда Мирзо Улуғбек майдонида ўзига хос шукуҳли ва тантанали ўтди. Бу ерда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, маҳалла фаоллари, ёшлар ҳамда пойтахтимиз меҳмонлари, туман аҳли айёмни биргаликда нишонлашди. Тумандаги «Гулшан» маданият уйи бадиий жамоаси томонидан тайёрланган миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни улуғловчи қувноқ куй-қўшиқлар, лапарлар ва жозибали рақслар ҳамда қизиқарли саҳна кўринишлари байрам тадбирига ўзгача файз киритиб, йиғилганларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Сайилни янада мазмунли ва шодиёна нишонлаш мақсадида ташкил қилинган турли хил ширинликлар, музқаймоқ ва салқин ичимликлардан иборат савдо шохобчалари, турли хил қувноқ аттракционлар дам олувчилар ва болажонлар хизматида бўлди. Шунингдек, миллий спорт ўйинлари ва мусобақалар, кураш, варрак учириш, турли хил кўргазмалар барчанинг эътиборини ўзига тортди. Айниқса, нуроний кексаларимизнинг қўллари дуода. Шундай дориломон кунларга етганларига шукроналар айтиб, мана шундай тинч ва фаровон ҳаётимиз учун Юртбошимизга миннатдорлик сўзларини изҳор қилдилар. Жажжи болажонларни айтмайсизми, шу куни уларнинг қувноқ ва бахтиёр кулгулари бутун оламни тутди.

Туманда эрталабдан то кечгача давом этган халқ сайли ҳаммага бирдек яхши кайфият, мазмунли ҳордиқ бахш этди. Шу билан бирга меҳр-оқибат,саховат, инсонийлик анъаналарига биноан маҳаллаларда кам таъминланган, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олинди.











МИРОБОД ТУМАНИ

Орзиқиб кутиладиган байрамнинг гашти ҳам ўзгача бўлади. Наврўзи оламни нишонлаш ниятида халқ сайлига чиққан мирободликларнинг ҳам кўзларидаги қувонч, юзларидаги табассум янги кунга эсон-омон етганларига шукроналик белгиси десак, асло муболаға бўлмайди.

Мирободда асосий байрам сайли Алишер Навоий номидаги театр майдонида бўлиб ўтди. Байрамона безатилган ва сайил иштирокчилари учун барча қулайликлар яратилган ушбу сўлим маскандаги ўзбекнинг миллий таомлари — палов ва Наврўз сумалагининг хушбўйлари атрофни тутди. Шодиёнага чиққан туманда яшовчи турли миллат вакиллари нафақат бир-бирларига дил сўзларини изҳор этишди, балки миллий анъаналаримизни акс эттирган саҳна кўринишлари, таниқли хонандаларнинг дилтортар қўшиқлари, болажонларнинг хушчақчақ чиқишларидан баҳраманд бўлишди. Варрак учириш, хўроз уриштириш мусобақалари, моҳир қўлларнинг меҳнатлари самараси бўлган турли кўргазмалар бўлиб ўтди.

— Бугун ҳар қанча байрам қилсак арзийди, — дейди тумандаги «Сарикўл» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Хурсаной Авазова. — Чунки умрбоқий байрамимиз эъзоз ва эҳтиромга муносибки, у ҳар биримизнинг дилимизга эзгулик, меҳр-оқибат туйғуларини солади. Куни кеча маҳалламизда ўтказилган қутлуғ айём тадбирининг бугунги шодиёнага уланиб кетганлиги қалбларимизни ғурурлантирмоқда. Маҳаллада нафақат байрам дастурхони ташкил этдик, балки хонадонларга ташриф буюриб 120 дан зиёд қария, ногирон, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатдик. Бу борада ҳомийларимиз катта кўмак берди. 80 ёшдан ошган барча отахон ва онахонларнинг ҳолидан хабар олиб байрам билан қутладик. Уларнинг юз-кўзларидаги қувончни кўриш, замонамизга шукроналик келтириб қилган дуоларини эшитиш янада яхши ишларга, эзгуликка ундайди кишини.

Эрта тонгдан кечгача давом этган сайилда ҳукмрон бўлган шодиёна, болажонларнинг шодон қийқириқлари, шўх мусиқа садолари оламни тутди. Катталар ҳурматдаю ёшлар хизматда бўлди. Қалбларга меҳмон бўлган шодлик, байрам шукуҳи эса эндиликда тумандаги барча маҳаллаларга кўчади. Чунки Наврўзимиз абадий ва умрбоқий.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

Ҳомийлар ва шифокорлар йилида кириб келган эзгулик, қадр-қиммат айёмини туман аҳолиси бир жону бир тан бўлиб, тевараки-атрофни ораста, обод ҳолга келтириб, саховатли, хайрли юмушлар бошида туриб кутиб олдилар.

Эрта тонгдан тумандаги Янги Сергели маданият ва истироҳат боғида мумтоз наволар янгради. Куй-қўшиққа уланиб дошқозонларда сумалаклар қайнади. Момолар чаккаларига бинафшани қўндириб кўк сомсаю кўк чучварага уннадилар. Набираю эвараларни етаклаган бобою бувижонлар байрам баҳона дўсту ёр, қўни-қўшнилар ҳолидан хабар олиб, бетоблар кўнглини кўтардилар.

— Туманимизда ҳар йили улуғ айём арафасида кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйларини ўтказиб бериш хайрли анъанага айланиб қолган, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Раҳимжонова. — Бу йил ҳам 266 нафар болажонларнинг тўйларини ўтказиб бердик. Шулардан 30 нафари Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги кам таъминланган оилаларнинг болаларидир. Шунингдек боқувчисини йўқотган, қаровчисиз қолган ҳамда ногиронларнинг ҳолидан хабар олиниб, совға-салом,озуқа пакетлари топширилди. Бир сўз билан айтганда, туманда олиб борилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, хайр-саховат юмушлари жорий йилда янада унумлироқ, баракалироқ бўлади.

Наврўз байрами шукуҳи барча хонадонларга кириб борди. Кун давомида бўлиб ўтган қатор тадбирлар, Олимпия умидлари спорт мактаби спортчи-ёшларининг кўргазмали чиқишлари, дорбозлар ўйини, таниқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, дилрабо куй ва қўшиқлар барчага бир олам қувонч бахш этиб, кўнгилларни нурафшон этди.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ

Собир Раҳимов тумани аҳолиси ҳам Наврўз байрамини шукуҳли тарзда, ўзига хослик билан ўтказганлигини алоҳида айтиб ўтиш лозим.

Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида эрталабдан халқ сайиллари бошланиб кетди. Шодиёналарда наинки туман аҳолиси, балки шаҳримиз аҳли ва пойтахтимиз меҳмонлари қатнашди. Сайилда эл севган санъаткорлар ижросида Наврўзни мадҳ этувчи қўшиқлар, гўзал рақслар ва ҳажвчиларнинг қизиқарли чиқишлари байрам шодиёналарига ўзгача файз киритди.

Ёшлар ўртасида миллий спорт турлари, асосида ташкил этилган мусобақалар, ёш хонанда қизларимизнинг «Баҳор айтишув»лари кечани янада қизиқарли ва мазмунли ўтишига сабаб бўлди.

Ушбу сайилда «Эски шаҳар», «Намуна», «Қорасарой», «Себзор», «Тахтапул», «Истиқлол», «Чиғатой», «Қўштут» каби маҳалла аҳли иштирок этди. Шунингдек, «Мискин», «Хислат» маҳаллаларида ҳам сумалагу ҳалимлар тўкин дастурхонларга тортилди.

— Ушбу байрам, — дейди туман маҳалла жамғармаси бош мутахассиси Азиз Орипов, — қадриятларимизнинг эъзози ҳисобланади. Байрам кунлари туманимиздаги кам таъминланган оилаларга, ногирон ва кексаларга хайру саховат кўрсатилди, совғалар ҳадя қилинди. Ўксик дилларга юпанч, ситамли кўнгилларга озгина бўлса ҳам хуш кайфият улашилди. Қарияларнинг дуоси остида баҳор таомлари сумалак, ҳалим элга тарқатилди. Байрамимиз ўзига хос такрорланмас тарзда нишонланди.

Ҳа, Наврўз эзгуликка чорлайдиган, борлиққа фусун ва чирой бағишлайдиган, қалбларга юпанч, юзларга кулгу ва табассум ато этадиган муқаддас ва мўътабар байрамдир. Бу туманда ўтказилган сайилларда ўз ифодасини топди.

УЧТЕПА ТУМАНИ

Учтепа тумани аҳолиси ҳам Наврўз айёмини кўтаринки руҳда нишонлаганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Тумандаги 53 та маҳалла, 5 та соғлиқни сақлаш муассасалари, 12 та ўрта махсус ўқув юртлари, 36 та мактаб, 53 та болалар боғчалари, 74 та қўшма корхоналар бир сўз билан айтганда, баҳор нафаси кезиб турган ҳар ерда байрам тантаналари бошланиб кетди. Эрта тонгда туман ҳокимлигининг тантаналар залида 31 нафар болага хатна тўйи уюштирилди. Шунингдек, 600 нафар кам таъминланган маҳалла фуқароларига тўкин дастурхон ёзилиб ош тарқатилди.

Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳат боғида эса халқ сайиллари бошланиб кетди. Наврўзнинг ўзига хос удумларидан бўлган варрак учириш, кураш мусобақалари уюштирилди. Албатта шу куни кекса ва ногиронларни йўқлаш ҳам ёддан кўтарилмади. Тумандаги 53 та маҳалла ушбу эзгу ишга бош-қош бўлди. Хайрия тадбирларидан сўнг сайиллар маҳаллаларга кўчди.

Маҳалла аҳли ҳамжиҳатликда сумалак, ҳалим, баҳор кўкатларидан тайёрланган нозу-неъматли дастурхон атрофида ўйин-кулгу қилишди.

Наврўзи олам меҳр-оқибат намунасини яна бир бор намоён этди. Диллар яйради, кўнгиллар кўнгиллардан сув ичди. Энг эзгу ниятлар, ойдин пок тилаклар айтилди. Янгиланиш, яшариш, уйғониш ва нафосатга йўғрилган қутлуғ айём барчага қувонч ва шодлик бахшида этди.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ

Ўлмас қадриятларимиз гултожи бўлмиш Наврўзи оламни Чилонзор тумани аҳли ҳам катта тайёргарлик, зўр шодиёналик билан кутиб олдилар. Асосий тантаналар Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ва Дўмбробод болалар боғида бўлиб ўтди.

Бутун кун давомида ораста, сўлим гўшаларда ҳаёт қайнади, етмиш ёшли отахондан тортиб етти яшар гўдаккача меҳр-оқибат байрамини нишонлашга шошилди. Байрамнинг тансиқ таомлари сумалак, ҳалим, кўк сомсаю чучваралар дастурхонларни безади. Гулу чечакларнинг хушбўйлари атрофга таралиб яратиш, янгиланиш ишқини дилларга солди. Бадиий ҳаваскорлик дасталарининг чиқишлари, ёшлар ўртасидаги спорт мусобақалари, аскиячию ҳажвчиларнинг ичакузди ҳангомалари, мумтоз куй ва қўшиқ, дилбар рақслар барчани мафтун этиб, даврага чорлади.

Жамалак сочларига сочпопук тақиб, яйраб-яшнаб турган қизалоқ бийрон тилда сўраяпти: Наврўз байрами жуда яхши экан, бувижон. Нега у ҳар куни бўлмайди?



— Ой қизим, тинч, осуда ўтаётган кунимизнинг ҳар бир куни байрам. Мустақиллик туфайли Наврўз байрамини қайтариб олдик, у йилда бир марта барчани соғинтириб келади. Уни хайрли, савобли юмушлар қилиб, гулу дарахтлар ўтказиб, атрофни ободонлаштириб, тоза, покиза ҳолда, ёруғ юз билан кутиб олишимиз лозим. Аввало шу юртга муносиб фарзанд бўлгин, болам.

—Хўп бўлади, бувижон. Мен Баҳоройман, ҳаммани яхшиликка, ёруғликка чақираман.

Мана шундай саҳна кўринишларида умрбоқий байрамимиз қадрияти яна бир бор намойиш этилди.

Шунингдек, байрам кунлари маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, ногирон ва кексалар ҳолидан хабар олинди, моддий ва маънавий кўмак кўрсатилди, илиқ калом билан кўнгиллар кўтарилди. Тинчлик-тотувлик, ҳамкору ҳамжиҳатлик байрами кўнгилларга ёруғлик, ёруғ ҳислар олиб кирди.

ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ

Яшариш ва янгиланиш айёми Наврўз ҳаммамиз учун бирдек севимлидир. Шу боис уни орзиқиб кутамиз. 20-21 март кунлари Яккасарой тумани аҳолиси ҳам байрамни шодиёна нишонлаш учун тумандаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган халқ сайлига йиғилдилар. Бағрикенглик, ҳамжиҳатлик тамойилларини ўзида мужассам этган бу ердаги байрам шодиёналарида шаҳримиздаги барча миллий-маданий марказларнинг бадиий жамоалари ҳам ўз концерт дастурлари билан фаол қатнашдилар.

Қалблари бир олам шодликка тўлган жажжи киччкинтойлар ота-оналари билан боғ томон ошиқдилар. Шу куни боғда катта дошқозонларда пиширилган сумалак ва ҳалимнинг хушбўй ҳиди атрофни тутди. Эрталабдан бу сўлим гўшада янграган карнай-сурнай наволари, Наврўзни мадҳ этувчи тароналар, дилбар қўшиқлар, барчага хушкайфият улашди. Боғдаги мавжуд саҳналарда тумандаги Хуршид ва Абдулла Авлоний номидаги маданият уйларининг хушовоз хонандалари томонидан тайёрланган «Ассалом, Наврўз!» деб номланган қизиқарли концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар кўпчиликнинг эътиборини тортди. Боғда ташкил этилган савдо шохобчалари, болалар учун қизиқарли қувноқ аттракционлар байрам аҳлига хизмат кўрсатди. Шунингдек, миллий қадриятларимиз акс этган халқ ўйинлари, спорт мусобақалари, варрак учириш сингари ўйинлар кечга қадар давом этди. Байрам шодиёналари маҳаллаларда куй-қўшиқлар остида тўкин дастурхон атрофида қизғин ўтди. Наврўз нашидасидан баҳраманд бўлган пиру бадавлат онахонларимиз, ота-хонларимиз элимизга тинчлик тўкинлик, омонлик тилаб, эзгу тилаклар билдириб, дуо қилдилар.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ

Эрта тонгданоқ Шайхонтоҳур туманидаги кўркам, ораста, байрамона безатилган боғу роҳлар, хиёбону майдонлар узра карнай-сурнай садолари янграб барчани байрам сайлига чорлади.

Дошқозонларда сумалаклар биқирлаб, кўк сомсаю кўк чучваралар дастурхонларни безади. Яратиш-яшнатиш айёмини дилда шукроналик билан кутиб олган кайвони, пиру бадавлат отахону онахонлар давраларга бош бўлдилар. Миллий халқ ўйинлари, варрак сайли, спорт мусобақалари, куй-қўшиқ, дилбар рақслардан тузилган байрам дастурлари туманнинг энг обод Ибн Сино номли ва Хадра майдонларига йиғилган қатнашчилар қалбига бир олам қувонч, шоду хуррамлик бахш этди. Кам таъминланган, ногирон, бетоб, кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларга беминнат моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, тумандаги 49 та маҳалла гузарлари, корхона, ташкилот ва ўқув муассасаларида ҳам Наврўзи олам катта тантана билан нишонланди.

— Халқимиз ҳомийлар ва шифокорлар йилида энг эзгу тилаклар билан Наврўзга пешвоз чиқишди, — дейди биз билан суҳбатда Ҳувайдо маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Фотиҳ ака Асқаров. — Байрам баҳона ҳар бир хонадонга кириб боришга, беморлар ҳолидан хабар олиб саховат кўрсатишга, ҳеч кимнинг беэътибор қолиб кетмаслигига ҳаракат қилдик. Катта қозонда ош дамлаб, чиройли байрам дастурхонини ёзиб каттаю кичкини чорладик, мумтоз куй-қўшиқлар янграган даврада бир-бирларидан хабардор бўлиб дилдан суҳбат қуришларига имкон яратдик.

Куй-қўшиққа уланган давраларда эрталабдан кечгача халқ сайли давом этди. Туман маданият уйи қошидаги «Нур», «Оқшом», «Настарин» каби бадиий жамоалари, 23-болалар мусиқа мактаби ўқувчиларининг чиқишлари байрам иштирокчилари қалбида бир олам таассурот қолдирди.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ

Умрбоқий қадриятларимизни ўзида жамулжам этган, яшариш, янгиланиш айёми Юнусобод туманида ҳам ажойиб бир кўтаринки руҳда ўтказилди.

Тумандаги барча маҳаллаларда, шунингдек, тумандаги Амир Темур хиёбони, «Сайилгоҳ» майдони, Тошкент ҳайвонот боғи майдони, «Ҳосиятхон ая» савдо мажмуаларида ўтказилган Наврўз, сайилларига ёшу қари бирдек ташриф буюришди. Миллий урф-одатлар, қадриятлар анъаналаримизни ўзида мужассам этган куй-қўшиқлар, баҳор, Наврўз, она табиатни мадҳ этувчи туман бадиий жамоаларининг, таниқли санъаткорларимизнинг чиқишларидан барча бирдек мамнун бўлишди.

Шарқ халқларига хос тарзда сайилда баҳорий таомлар, сумалак, ҳалим, кўк сомсалар пиширилиб элга улашилди.

Биламизки, ҳар қандай байрам болалар билан қувончли ўтади. Жажжи болажонлар кўзларидаги шодлик, хурсандчиликни кўрган кишининг завқи дили очилади. Туман миқёсида ўтказилган ушбу Наврўз сайли ҳам кичкинтойларимизнинг ажойиб куй-қўшиқлари билан янада шукуҳли ўтди.

Шунингдек, байрам арафасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, кекса отахону онахонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга туман ҳокимлиги ва маҳалла фаоллари ташаббуси, ҳомий ташкилотлар саъй-ҳаракатлари билан ҳар бир маҳалладан 15-20 нафар кишига моддий ёрдам кўрсатилди.

Аслида озод юртга байрамлар, тўйлар ярашади. Истаймизки, ўлкамизнинг ҳар бир куни ана шундай шодиёна ва байрамларга тўлиқ бўлсин.

ҲАМЗА ТУМАНИ

Туманнинг ҳар бир маҳалласида, корхонаю ташкилотларда Наврўз байрами, янгиланиш ва яратиш айёми шукуҳи ҳукмрон бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Негаки, барча қатори ҳамзаликлар ҳам ушбу шодиёнани қалбларида ўзгача интиқлик, шоду хуррамлик билан кутган эдилар.

Туманда жойлашган 53 та маҳаллада яшовчи ёшу қарининг дилларида байрам кайфиятини янада кўтариш, миллий қадриятларимиз, шарқона удумларимиз умрбоқийлигини кўз-кўз қилиш мақсадида тумандаги «Авиасозлар маданият саройи», «Янгиобод» гузари, «Мусиқа» саройида асосий тадбирлар уюштирилди.

Албатта, эрта тонгдан барча-барчани шодиёнага чорлаган карнай-сурнай садолари яхшликдан, эзгуликдан, фаровонликдан дарак берди. Байрамона безатилган ушбу масканларда, аввало йиғилганларни туман ҳокимлиги мутасаддилари дилдан қутладилар. Ташкил этилган савдо ва умумий овқатланиш хизматлари, Наврўз таомларининг хуштаъми, дилрабо куй ва қўшиқлар жозибаси барчанинг қалбига завқ-шавқ бағишлади.

Шуниси қувонарлики, ҳар бир маҳалла учун махсус жойлар ажратилган бўлиб, у ерда яшовчи хотин-қизларнинг миллий ва баҳорий таомларга нақадар усталиги кўрикдан ўтказилди. Кўрик шарти бўйича эса дастурхонни фақат Наврўзона таомлар билан безашга эътибор қаратилди.

Болажонлар, айниқса қувнашди. Улар иштирокида ташкил этилган «Наврўз менинг нигоҳимда» расмлар танлови ёш авлоднинг умрбоқий байрам қадриятларини англашида катта аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Албатта, Наврўзнинг ўзига яраша гаштию завқи ҳар бир тадбирда акс этди. Бир томонда варрак учириш танлови, иккинчи томонда шеърхонлик, миллий ўйинларимиздан: чиллак, ёнғоқ, ошиқ ўйинлари сайил иштирокчиларини бефарқ қолдирмади.

Маҳаллаларнинг фаоллиги, айниқса, ўз аҳамиятини, қадриятини сақлаб қолаётган удум ва анъаналаримиз — келин салом, ёр-ёр, алла айтиш сингари саҳна кўринишларида акс этган бўлса, халқ амалий санъати — каштачилик, қандолатчилик, зардўзлик ҳунарлари усталарининг маҳсулотлари кўргазмаси кўпчиликни баҳраманд этди. Кураш, хўроз уриштириш ва бошқа шарқона мусобақаларимиз қизиганидан қизиди.

Наврўзнинг меҳр-оқибат байрами эканлиги ҳам унутилмади. Шу боис ҳам ёлғиз қариялар, ногиронлар, кўп болали оилалар, мухтарама онахонлар хонадонларига ташриф буюриб, совға-саломлар улашилди, мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Завқли сайил кайфияти ҳар бир маҳаллага, хонадонга кўчди ва Наврўз нашидаси давом этиши, шубҳасиз.

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ

Наврўз шодиёнаси ушбу шаҳарчада ҳам ўзига хос тарзда нишонланди. Бу ерда ўтказилган «Ёшлар сайли» дилларга қувонч, шодлик, яхши байрам кайфияти бағишлади. Байрам ширинликлари, китоб савдоси ташкил этилди. Дастурхонларга сумалак тортилди.

Тадбирни очар экан Собир Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурат Чориевлар йиғилганларни байрам шодиёнаси билан самимий муборакбод этдилар.

— Бугунги тадбиримиз ўзининг маърифий аҳамияти билан ажралиб туради, — дейди Ўзбекистон халқ демократик партияси «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси Ибодулла Бердиев. — Негаки, Наврўз айёми нафақат умумхалқ байрами балки инсонларни бир-бирига ўзаро дўст, бирдам, ҳамфикр этадиган, университетларимиз миқёсида оладиган бўлсак «устоз-шогирд» муносабатларининг куртак очишига замин ҳозирлайдиган шодиёна ҳамдир.

Наврўз тантаналарида байрам дастурхони ҳозирланиб, сумалак, ош тортилди. Байрам тантаналари миллий кураш, стол тенниси, арқон тортиш, тош кўтариш сингари спорт мусобақаларига уланиб кетди.

Тошкент Давлат техника университети талабалари турар жойларида уюштирилган «Қутлуғ бўлсин қадаминг, Наврўз», «Наврўз ва миллий қадриятлар» мавзуларидаги давра суҳбатлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

(Ўз мухбирларимиз)

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўз ўлганий доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ақли расолар йўлдан адашмас,
Марди хирадманд ҳеч ҳаддан ошмас.
Соҳиб фаросат ҳар ерда шошмас.

Толиб ТОЛИБИЙ

Ўтган ишга қайғуриб, беҳуда фиғон чекмоқ ва ўзўзига озор етказмоқ ақлли кишилар одатидан эмас. Ақлли киши барча оғир ишлар олдида довдирамайди, ўзини маҳкам тутади, сабот ва ирода туфайли ғалабага эришади.

Абулбаракат ҚОДИРИЙ

Ақлли киши бир ишга киришишдан аввал, агар у ишни устаси бўлса ҳам, бошқа кишилар билан маслаҳатлашади. Чунки ўз ақлига бино қўйган киши адашади, ўз тадбирига ишонган киши тубанлик сари кетади.

Айбни эътироф этиш ақлли кишининг иши.

«ОТАЛАР сўзи»

Ақлли ва иймонли кимсаларга
Бағишлайман шодлик, бардам руҳ...
Эътиқодман, Митраман,
Мудом сабоқ бермоқчиман,
Иймон билан фикр айласин.
Иймон билан сўз сўйласин,
Ва иймонга амал қилсин.

«АВЕСТО»

Ақлли киши шундай кишики, покизалик ва садоқат анҳорининг суви билан эгрилик ва қинғирлик оловини ўчиради. Чунки хато йўл тутувчи ва эгри ўйловчи кишилар катта-кичикнинг эътиборидан ва ёшу қарининг назаридан қолади. Обрўйинг оғзи дилдаги муҳаббат неъматининг лаззатидан бебаҳра, лаби эса мақсад ҳамда ҳаёт шодлигининг зилол сувига ташна бўлади. Фард:

Эгри учун давлат сари йўл йўқдир,
Эгри ўқ ҳам бориб тегмас нишонга!

Бархурдор ибн МАҲМУД

Ҳусну суратга боқиб ошифта
бўлма, эй кўнгул,
Ақли бўлмай ҳур талъат бўлса
ҳам даркор эмас.

ОРАЗИЙ

ҲИКМАТ. Одамларга ҳурмат кўзи билан боқмоқ ва раҳм кўзи билан қарамоқ ақллилик ва донолик белгисидир. Байт:

Яхши назар билан қара ҳар кимга,
Либоси чиройли ё хунук дема!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятда осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

Ҳар бир халқнинг ақли ўз замонасига
нисбатан бўлади.
Ақлли киши қадру камол, нодон киши
эса давлату мол қидиради.

«ОТАЛАР сўзи»

Хирадманд улуд балият чоғи,
Дуруст эрса шарафу ҳикмат чоғи.

МИРИЙ

Эй азиз, билгинки, мусибат айёмида кўнгли ғамга тўлмаган, хом ҳаёл ва беъмани режалар тузиб, ўз ишини барбод қилмаган киши ақлли киши ҳисобланади. Ақлдек устоддан кўра меҳрибонроқ ва қўллаб-қувватловчи дастгир бўлмайди. Киши учун ақл оғир кунларда чора-тадбир топа билиш учун инъом этилган:

Ақл нима? У-да кўмакчи дилдир,
Ақлинг бўлса, сенда барча нарса бор.

Абулбаракат ҚОДИРИЙ

Хирадманд одамий ўхшар ҳумоя,
Етар давлатга кимга солса соя.

ХЎЖАНДИЙ

Айтадилар:

— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлғончи, қўрқоқ, бахил, нафсига берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради:

Ҳар киши ўз ақлидан огоҳ бўлар,
Ўзидан гумроҳлиги гумроҳ бўлар!

Душманинг сенинг зарар топишингни ўйлайди.

Ҳар киши ўз душманин кучсиз санар,
Бир куни кучли зиёнидан ёнар!

Ҳасадчи бор-будингдан ажралишингни истайди:

Ким ҳасад қилса бировнинг молига,
Охири бўлгай анинг вой ҳолига!

Ёлғончи фикрингни бузиб кўрсатади:

Кимки ёлғон сўзласа ризқи кетар,
Бир куни ёлғон сўзи бошга етар!

Қўрқоқ дадилликдан қайтаради. Бахил бойлик тўплашга хирсманд бўлади ва ундан бировга фойда етмайди:

Молу колинг аслида душман эрур,
Зоҳиран боқсанг неча равшан эрур!

Нафсига берилган киши ҳою ҳавасининг асири бўлиб, нафс домидан қутулишга кучи етмайди:

Меҳнатинг бирла нафсга бер жазо,
Қилмасин токи балога мубтало!

Муҳаммад ЗЕҲНИЙ

Ақл ва фаросат шундай бир гавҳарки, унинг мадади билан кишиларнинг сўзи ва феъли ҳаракатига қараб, уларнинг ақли доирасини, касбини, яхши хислатли ёки қабиҳ иллатли эканини билиб олиш мумкин.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

Сиз кутган учрашув

МАФТУНКОР ВА СЕРЖИЛО ОВОЗ СОҲИБАСИ

ДИЛЛАРИМИЗГА ОРОМ БАХШ ЭТУВЧИ ЖОЗИБАЛИ ҚЎШИҚ ВА МУМТОЗ АШУЛАЛАРСИЗ ҲАЁТИМИЗНИ ТАСАВВУР ЭТИШ ҚИЙИН АЛБАТТА. ҚЎШИҚНИНГ ЖОНИ КУЙ БЎЛСА, ЖИСМИ МАТН-ШЕЪРДИР. СЎЗ ВА КУЙ ЖИСМУ ЖОН ЯНГЛИҒ БИР БУТУН БЎЛГАН ЖОЙДА ҲАҚИҚИЙ ҚЎШИҚ ПАЙДО БЎЛАДИ. ЯХШИ ҚЎШИҚНИНГ УМРИ БОҚИЙ БЎЛАДИ. САНЪАТКОРЛАР ИЧИДА ЎЗИНИНГ МАФТУНКОР ВА СЕРЖИЛО ОВОЗИ БИЛАН ҚАЛБЛАРИМИЗНИ РОМ ЭТАЁТГАН, ДИЛРАБО АШУЛАЛАРИ БИЛАН НАФАҚАТ МАМЛАКАТИМИЗДА, БАЛКИ ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎЗБЕК САНЪАТИ ДОВРУҒИНИ ЖАҲОНГА ТАРАТАЁТГАН СЕВИМЛИ САНЪАТКОРИМИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ, «ЭЛЮРТ ҲУРМАТИ» ВА «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНЛАРИ СОҲИБАСИ МУНОЖОТХОН ЙЎЛЧИЕВАНИНГ ЎРНИ БЕҚИЁСДИР.



Бетакрор хонанда 90- йилларнинг ўрталарида Швейцарияда XX асрнинг энг яхши қўшиқчиси, деб эътироф этилган. Шунингдек, кўплаб халқаро танловлар ва фестивалларғолиби, Франция, Англия, Германияда, Италия, Испания, Бельгия, Голландия, Швейцария, Финляндия, Россия, Хитой, Япония, Ҳиндистон, АҚШ ва бошқа бир қатор мамлакатларда нуфузли мусиқа фестивалларида муваффақиятли иштирок этган. Унинг бошқа хонандалардан фарқи шундаки, у бухороча «Шашмақом»ни ҳам, Фарғона,Тошкент йўналишидаги мақомларни ҳам, катта ашула билан анъанавий қўшиқларни ҳам маромига етказиб ижро этади. Одатда Муножот Йўлчиеванинг концерти икки-икки ярим соат давом этиб, ўн бешта ашулани ўз ичига олади. Хонанда санъатдаги ўз ўрнини мақомларни асраб-авайлаб, келгуси авлодларга етказиш,уларни тарғиб қилишда деб билади. Албатта, Муножотнинг санъат пиллапояларидан ўтиб, эл эъзозидаги санъаткор даражасига етишида, миннглаб мухлисларига эга бўлишида аввало иқтидори,қолаверса устозларининг ҳиссалари беқиёс дейиш мумкин. Қутлуғ айём арафасида хонанда билан дилдан суҳбатлашдик.

— Муножотхон, анъанавий устоз-шогирд тизимида устоз асосий ўрин тутади, албатта ўз устозингиз Шавкат Мирзаев билан ижодий ҳамкорлик самаралари ҳақида гапириб берсангиз...

— Устозим Шавкат Мирзаев билан 28 йилдан буён ижодий ҳамкорлик қилиб келамиз. Санъат соҳасида эришган барча ютуқларимда устозимнинг хизматлари беқиёс. Мақомларни куйлашга бўлган иштиёқим жуда баланд эканлигини билган устозим консерваторияда ўқиб юрган кезларимда мен учун алоҳида машғулот режасини ишлаб чиққан. Ҳар бир хатти-ҳаракатим, қай пайтда пардани авж олдириш, нафасни ростлаш, аввалambор шеър матнига ва мусиқага катта эътибор бериш кераклигини ўргатганлар. Шавкат ака ажойиб бастакор бўлиши билан бирга қашқар рубобини қойилмақом қилиб чаладилар. Шу билан бирга жонкуяр ва мехрибон устоз. Бугунги кунда мен учун янги-янги асарлар ёзмоқдалар,-янги концерт дастурларини тузмоқдалар. Бир йилда икки марта,-одатда кузда ва баҳорда пойтахтимизда яккахон концерт дастуримиз билан санъат мухлисларини хушнуд қилиб келяпмиз. Мана яқинда 28 март куни Ўзбекистон Давлат консерваториясида навбатдаги концерт дастуримни мухлисларимга тортиқ қилмоқчиман.

— Ўтган йили кузда Ўзбекистон Давлат консерваториясининг катта залида бўлиб ўтган концертингиз ҳам мухлисларингиз қалбида муҳрланиб қолган. Ҳатто хорижлик меҳмонлар ҳам бу концертда ашулаларингизни зўр мамнуният билан тинглаган эдилар. Сизни илк бора элга танитган,мухлислар қалбидан жой олган дастлабки ашулаларингизни эслай оласизми?

— Мен биринчи марта 1980 йил 9 февралда Алишер Навоий таваллудига бағишланган «Назм ва наво» кўрсатувида Навоий ғазаллари билан айтиладиган «Ушшоқ», «Муножот» ашулаларини ойнаи жаҳонда ижро этиб, кўплаб мухлислар орттирганман.

— Сизнинг ижодингиз нафақат республикамиз аҳлини,балки хорижлик санъатсевар мухлисларингизни ҳам лол қолдирмоқда. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Аввало, мусиқани тушуниш ва тинглай билиш керак. Ҳамма одамлар ҳам ёшидан, миллатидан қатъи назар қалбан куйлайдилар, деб ўйлайман. Мен ижро этаётган ашулалар кўплаб авлодларни асрлар оша бирлаштиради. Зеро мусиқа ва қўшиқ— халқ нидоси. Мен учун энг қадрли нарса шуки, мақом йўналишидаги ашулалар одамларни,турли миллатларнинг қалбига кириб бориб,уларни ўйлантирмоқда, ҳаяжонга солмоқда. Инсонлар ҳамиша ҳам бир-бирларига қанчалик азиз эканликларини англаб етмайдилар. Мақомлар ана шу юксак туйғуни дилдан ҳис қилишга ундайди.

— Муножотхон, Наврўз айёмининг мана шундай файзли ва шукуҳли дамларида ҳамшаҳарларимизга, жумладан «Оқшом» жамоасига байрам тилакларингиз...

— Барча юртдошларимизни ҳамда «Оқшом» жамоасининг ўткир қалам соҳибларини Наврўз байрами билан чин дилдан қутлайман. Юртимиз тинч, ҳонадонларимиз обод бўлсин, ҳаммаларингизга саломатлик ва бахт-омад ёр бўлсин.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Сизга ҳам саломатлик, оилавий бахт ҳамда ижодий баркамоллик тилаймиз.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

МАМЛАКАТИМИЗ XV МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ 2-ТУР БЕЛЛАШУВЛАРИ ШАҲРИМИЗ ЖАМОАЛАРИГА МУВАФФАҚИЯТ КЕЛТИРДИ.

Футбол

ШАҲРИМИЗ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Сафарда Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан куч синашган Ўзбекистон чемпиони — «Пахтакор» яна ғалаба қозонди. 70-дақиқада Байрамов томонидан киритилган ягона гол тошкентликларга муҳим уч очкони ҳадя этди.

Шунингдек, ўз майдонида «Сўғдиёна» жамоасига қарши кураш олиб борган «Трактор» футболчилари ҳам Соломин томонидан киритилган ягона тўп эвазига муҳим ғалабани қўлга киритишди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Тўпаланг» — «Локомотив» —2:2, «Нефтчи» — «Андижон» — 2:0, «Самарқанд — «Динамо» —«Насаф» —2:0, «Машъал» — «Хоразм» — 2:0, «Шўртан» — «Бухоро» — 1:0, «Навбаҳор» — Қизилқум» — 1:1.

Мамлакат XV миллий чемпионатининг 3-тур баҳслари 26,27-март кунлари бўлиб ўтади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Тадбирлар

ХУШ КАЙФИЯТ УЛАШДИ

ГЎЗАЛ ДИЁРИМИЗДА НАВРЎЗИ ОЛАМ, КЎКЛАМ СУРУРИ КЕЗМОҚДА. УШБУ ЯНГИ КУН ДИЁРИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА ЎЗИГА ХОС ТАРЗДА НИШОНЛАНМОҚДА. КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ 86- ЎРТА МАКТАБДА ҲАМ «ХУШ КЕЛИБСАН, ФАСЛИ НАВБАҲОР!», «МУЧАЛ ЁШИНГ МУБОРАК, ДЎСТИМ» МАВЗУЛАРИДА БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кечани мактаб директори Ирина Токарева кириш сўзи билан очиб, мактаб жамоасини, ўқувчиларни ҳамда меҳмонларни, мучал ёшини нишонлаётган болажонларни табриклади.

— Наврўз байрамини, — дейди 5- «Г» синф раҳбари Насиба Ибрагимова, — Мактабимиз жамоаси ҳар йили ажиб бир хуш кайфиятда, сумалаклару ҳалимлар пишириб, ёр-ёру лапарлар айтиб кутиб олишни анъанага айлантириб олган. Қутлуғ айём юртимизга тинчлик, оилаларимизга хотиржамлик, дастурхонимизга тўкинлик олиб келсин. Келажагимиз давомчилари бўлмиш ёш авлод ҳамиша миллий қадриятларимизни эъзозласин, ундан ғурурлансин.

Байрам тадбирида 5 - «А» синф раҳбари Насиба Сафарова, «Астробод» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Маҳмуда Абдураҳмонова ва бошқалар сўзга чиқиб, ушбу улуғ айём билан кеча иштирокчиларини табрикладилар.

Тадбирда мактаб ўқувчилари Гулжаҳон Набиева, Чарос Маҳманова, Фирдавс Алимов, Шаҳноза Эркинова томонидан Наврўз ва баҳор ҳақида қўшиқлар куйланиб, улар дилбар рақсларга уланди. 5-«Г» синф ўқувчилари эса саҳна кўринишларидан парча ижро этиб, Наврўзни мадҳ этувчи шеърлардан ёд олдилар. Шодиёна барчанинг қалбида хуш кайфият уйғотди.

Гулнигор САТТОРОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

2006–2007 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2006 йилнинг 23дан 31 мартигача Тошкент шаҳрида қувурлардан фойдаланишнинг гидравлик хусусиятларини ва иссиқлик ташувчи муҳитнинг энг юқори ҳароратини аниқлаш бўйича иссиқлик тармоқларини синаш ўтказилади.

Қуйидаги келтирилаётган иссиқлик манбалари (ИМ)нинг таъмир доирасида фақат иссиқлик сув таъминоти бўлмайди. Болалар, ўқув ва даволаш даргоҳларида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тўлиқ ўчириб қўйилади:

1-ИМ (М-1) 30 март куни	– акад.Ҳ.Абдуллаев, Раҳматуллин, Ж.Обидова, Қодиров, Ф.Ҳўжаев, Мўминов, Муҳитдинов кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 (Черданцев-1), Бўз-2 (Черданцев-2), Феруза турар жой мавзелари, ТошГРЭС кўргони.
1-ИМ (М-4) 29 март куни	– Буюк Ипак йўли, акад.Ҳ.Абдуллаев, Раҳматуллин, Дағистон, Саййрам, Оққўрғон, Эргашев, Пушкин, Ф. Ҳўжаев, Муҳитдинов, Ғ.Мавлонов, Ҳ.Олимжон кўчалари, Тошсельмаш, Пушкин-Пишпек, Чизельный, Пушкин-Салор, ген.Петров турар жой мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.
2-ИМ 23 март куни	– Т.Малик, Иркутск, Маткобулов, Ш.Бурхонов кўчалари, Қорасув-1,2,3,4,6, Ҳумоюн турар жой мавзелари, Геофизиклар кўргони.
3-ИМ 29 март куни	– Беруний, Ўзбекистон, Ниёзов, А.Ҳўжаев, Фурқат, ген.Узоков, Самарқанд дарвоза кўчалари, Навоий, Абай, Халқлар Дўстлиги шоҳ кўчалари, Чорсу, Қоратош, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, Ц-10,14,11, Ц-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3 турар жой мавзелари, Навоий, Халқлар Дўстлиги, Абай, Космонавтлар шоҳ кўчалари.
4-ИМ (М-0) 24 март куни	– А.Темур, Ҳ.Асомов, Эргашев, Ғ.Мавлонов, Муртазоев, Хуршид, Ж.Обидова, Бодомзор, Шаҳристон, А.Зокиров, Ҳ.Олимжон, Пушкин кўчалари. Ц-5,6-мавзелари, Ҳ.Олимжон майдони.
4-ИМ (М-1) 24 март куни	– Ҳасанов, Ғ.Ғулом, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, А.Қодирий, А.Ҳидоятов кўчалари, Ц-17,18 (Себзор), Тахтапул, Ц-12,13,15, Қорақамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4 мавзелари.
4-ИМ (М-4,8) 28 март куни	– Юнусобод мавзеси 1-19-даҳалар, Бодомзор, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибкор, Ж.Обидова, Шаҳристон, А.Зокиров, Ҳ.Асомов кўчалари.
5-ИМ 23 март куни	– Чилонзор мавзеси 6-12, Ц, Г9а, 16-20А, 26 даҳалар, Дўмбрабод, Октепа, Қизил шарқ, Гулистон мавзелари, Заргарлик, Я.Купала, Мукимий, Фарҳод, Чўпонота, С.Мирахмедов, Наккошлик, Новза, Қозиробод кўчалари.
"ТТЗ" қозонхонаси 28 март куни	– ТТЗ-1,2,2А,4, Югнакий мавзелари, Аҳиллик, Гулсанам, Белоножко, Буюк Ипак йўли кўчалари
"Саноатэнерго" қозонхонаси 30 март куни	– "Строитель" турар жой мавзеси

4-ИМ (31 март куни) ва 7-ИМ (27 март куни) таъсир доираларида иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

4-ИМ (М-1) 31 март куни	– Ҳасанов, Шамсутдинов, Бобожонов, Хуршид, Ғ.Ғулом, А.Қодиров кўчалари, Ц-17,18 (Себзор), Тахтапул, Ц-12,13, 15, Қорақамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4 мавзелари.
7-ИМ (М-2) 27 март куни	– Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним кўчалари, Гўзал-1,2,3,4, ДСК-1, Слоним-1,2 мавзелари, "Авиакурувчилар" шаҳарчаси ҳудуди.

Қувурларнинг шикастланиши мумкинлигини эслатиб ўтамиз. Кўчанинг қатнов қисмига ва пиёдалар йўлакларига иссиқ сув сачраши ва тошиши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалардан, маъмурий бинолар ва турар жой уйларида бўлган одамлардан эҳтиёт бўлишларини сўраймиз.

Вақтинчалик ноқулайликни тўғри тушунасиз деб умид қиламиз. Ноодатий ҳолларни сезишингиз билан 161-32-32 телефонига хабар қилишингизни сўраймиз.

Қуйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ баҳорги тўхтатиш режалаштирилмоқда:

1-ИМ	– "Шимолий-Шаркий"	– 10дан 16 апрелгача
2-ИМ	– "Қорасув"	– 24дан 28 апрелгача
3-ИМ	– "Ғарбий"	– 3дан 7 апрелгача
4-ИМ	– "Шимолий"	– 3дан 7 апрелгача
5-ИМ	– "Чилонзор"	– 10дан 14 апрелгача
6-ИМ	– "Жанубий-Шаркий"	– 10дан 14 апрелгача
7-ИМ	– "Авиакурувчилар"	– 24дан 28 апрелгача
8-ИМ	– "Сергели"	– 3дан 7 апрелгача
9-ИМ	– "Янги Чилонзор"	– 24дан 28 апрелгача
"Водник" козонхонаси		– 24дан 28 апрелгача
"ТТЗ" қозонхонаси		– 10дан 14 апрелгача
ТошИЭМ		– 24дан 28 апрелгача

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишларидаги таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайди.

Мунажжим башорати

ТАБИАТ БИЛАН ОШНО БЎЛИНГ

23 МАРТ, ПАЙШАНБА
БУГУН ТАБИАТ БИЛАН ОШНО БЎЛИШ – ВАҚТНИ ЭНГ САМАРАЛИ ЎТКАЗИШ ДЕМАКДИР. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ УЧУН ҲАМ БУГУНГИ КУН ХАЙРЛИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Лекин бугун енгил ваъдалар беришдан, жиддий режалар тузишдан тийилганингиз маъқул, чунки ҳаммаси сиз ўйлаганчалик бўлиб чиқмаслиги мумкин. Албатта очиқ ҳавода бўлинг, шабададан тўйиб-тўйиб баҳра олинг — бу сизга куч-қувват бағишлайди.

Оқшом меҳмондорчиликлар, улфатларнинг мароқли гап-гаштаклари, кўнгилочар тадбирлар учун ғоят қулай пайт ҳисобланади. Электр асбоблари ва рўзғор техникаси билан муомалада эҳтиёт бўлинг.

Бизнес масаласида мунажжимларимиз сахийлик билан бугун омад ваъда қилишади. Олдинги хизматларингизнинг жамият томонидан ижобий эътироф этилиши барқарорлик ва тараққиётингизга йўл очувчи янги таклифлар пайдо бўлишига олиб келади. Мулоқотлар даврангиз ва таъсир доирангиз кенгайиши учун имкониятлар туғилади.

Бундай таклифлардан юз ўгириш қийин. Ишнинг моддий жиҳатларини муҳокама этишга ошиқманг.

Бу кеча кўрган тушларингиз оғир ва қўрқинчли, шу билан бирга келаётган хавф-хатарлардан огоҳлантирувчи тушлар бўлади.

Кийим-кечаклардан қизилга оид ҳар қандай ранглар, шунингдек, қора ва тўқ кўк ранглилари кунингиз омадли ўтишига ёрдам беради. Кулранг, жигарранг ва сиёхранг либосларингизни бошқа вақтларга асраб қўя туринг.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Илк бор «Туркистон» саройида 2006 йил 21 мартдан 2006 йил 2 апрелгача «ЗОЛУШКА» номли жаҳондаги биринчи итлар театри спектакллари ПРЕМЬЕРАСИ

КЎРИШГА ШОШИЛИНГ



Спектакллар: 2006 йил 1, 2 апрелда соат 15.00, 18.00 да; 2006 йил 22, 23, 27, 28, 29, 30, 31 март соат 18.00 да бошланади.

Чипталар «Туркистон» саройи кассалари ва цирк кассаларида сотилмоқда.

Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.

Кассалар эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 333-88-99, 131-00-88, 144-32-23.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-506

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 4147 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6